

# **ОЛИЙ ТАЛЬИМДА ТАЛАБАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИДА ТҮГАРАКЛАР ФАЛЬОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

***Юлдашева Г.Т.***

***Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика  
институти катта ўқитувчиси***

**Аннотация:** Тўғараклар –талабаларнинг қизиқишлари асосида ташкил этиладиган гурӯхлар бўлиб, улар талабаларнинг бўш вақтларини мақсадли ташкил этиш, фабол ижтимойи муносабатларга жалб этиш, маънавий, ғоявий-эстетик, илмий дунёқарашларини шакллантириш, ёшларнинг ўз ички имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит яратиш, шунингдек тарбия, тарғибот, ташвиқот функцияларини амалга оширишга йўналтирилган, ихтиёрий, баҳоланмайдиган маҳсулдор (ижодий) фаболият шаклидир. Ўқув жараёнида техник ижодкорликдан фойдаланиш талабани таълимий ва психологияк жиҳатдан мослаштириш жараёнини тезлаштиради.

**Калип сўзлар:** Интеграция, синтез, коллективизм.

## **THE IMPORTANCE OF CLUB ACTIVITIES IN THE SYSTEM OF EDUCATION OF STUDENTS IN HIGHER EDUCATION**

***Yuldasheva G.T.***

***Senior teacher***

***Chirchik State Pedagogical Institute***

**Abstract:** Circles are groups based on the interests of students, which are aimed at the organization of leisure time of students, active involvement in social relations, the formation of spiritual, ideological, aesthetic, scientific

worldview, creating conditions for young people to realize their potential, as well as education, advocacy, is a form of voluntary, invaluable productive (creative) activity aimed at the implementation of propaganda functions. The use of technical creativity in the learning process accelerates the process of educational and psychological adaptation of the student.

**Keywords:** Integration, synthesis, collectivism.

Таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири ўз касбини яхши биладиган ва ўз касбий маҳоратини доимий ошириб боришга тайёр бўлган малакали ходимларни тайёрлашдан иборатдир. Ушбу тайёргарлик узлуксиз равишда тўлдирилиши ва такомиллаштирилиши ва тўгараклар фаъолияти орқали амалга оширилиши керак.

Замонавий талабларни қондириш учун, бўлғуси мутахассис ўз соҳаси учун зарур бўлган касбий билимларни ўзлаштиришдан ташқари тизимли фикрлашни ўрганинши, фикрлаш интеграциясини енгиши, янги ғояларни яратиши ва объектив баҳолаш кўникмаларига эга бўлиши керак. Албатта у тўгарак иш фаъолияти билан таниш бўлиши лозим. Тўгараклар талабанинг фикр доирасини кенгайтиришга ва ижодий фикрини уйғотишга хизмат қиласи. Тўгарак аъзолари албатта ўз ишлари натижасини кўришлари ва ишларидан фахрланиш хиссини сезишлари жуда муҳимдир.

Баъзи бир тўгарак раҳбарлари ишни олдиндан берилган тавсифларга мувофиқ тузиш тарзида ташкил этадилар ва натижада талабаларда ижодий фикрлаш имкониятлари йўқолади, биз эса бунга йўл қўймаслигимиз керак. Талабалар албатта ўзларининг мустақил фикрига суюнган ҳолда ижод қилишлиги лозим деб ўйлайман. Бундай машғулотлар тўгарак аъзоларининг билимларини кенгайтиради ва талабалар учун конструкторлик кўникмаларини ривожлантиради. Тўгарак раҳбари тўгарак аъзоларини асосий назарий масалалар, (робототехника модельларининг) модельларнинг лойихалаш элементлари билан таништиради. Тўгаракдаги

машғулот дарсдаги ўқув дастурини ҳеч қачон тақрорламаслиги керак. Тұғарал аязолари ўзлари ўрганаётган технология соҳасининг тарихини, унинг хозирги холати ва қўлланилиш соҳаси билан танишиб чиқишилари керак. Тұғарал машғулотлари давомида амалий машғулотларнинг назарий тушунчалари сұхбат тарзида берилиши лозим бўлади. Тұғарал машғулотлари давомидаги назарий билимлар ўқув дастурларидан олдинлаб кетади, сабаби тұғаралларда дастур тұғарал аязолари билиши керак бўлган назарий маълумотларни ўз ичига олган амалий ишлардан ташкил топади. Яъни, фақатгина мўлжалланган амалий иш учунгина зарур бўлган маълумотлар берилади.

Юқорида таъкидлаганимдек, талабаларнинг тұғараллардаги фәйолияти уларда ижодий, мустақил фикрлашларини ривожлантиради. Тұғараллардаги ижодий ишлар талабаларда муаммоли вазиятларни түғри таҳлил қилиш, натижаларни олдиндан билиш, олинган маълумотларни интеграциялаш ва синтез қилиш қобилиятыни ривожлантиради. Уларда фикрлаш, тасаввур ривожланади ва фәйолият натижаларидан қониқиши ҳисси пайдо бўлади.

Ўқув жараёнида техник ижодкорликдан фойдаланиш талабани таълимий ва психологияк жиҳатдан мослаштириш жараёнини тезлаштиради. Ижодий жараён эса доимо ижобий ҳис-туйғулар билан бирга келади. Бу эса професионал қизиқиши ривожлантиради, ишда яхши кайфият ва ғайратга эга бўлишга ёрдам беради, умуман олганда талаба тарбиясига, унинг маънавиятининг шаклланишига хам ижобий таъсир кўрсатади. Ўз-ўзини қадрлаш ва бошқаларни ҳурмат қилиш қобилиятига эга бўлган ижодий, мустақил, инсоний шахсни шакллантиради. Бунда тұғаралларни техник ижодкорлик билан олиб бориш ёрдам беради.

Талабаларнинг ижодий қобилиятыни ривожлантириш орқали уларда колективизм туйғусини ривожлантириш ва шу билан биргаликда чидамлилик, интизом, қатъяслик, маъсулият каби шахсий фазилатларни

хам шакллантиришга ўз хиссамизни қўшган бўламиз. Талабаларда ижодкорлик қачонки у ўз меҳнатининг унумдорлиги ва сифатини оширишга қаратилган кандайdir бир янгиликни киритишга интилганда бошланади. Талабаларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш учун қулай муҳит қачонки улар машғулот, ярмарка ёки кўргазмалар учун қандайdir бир ўзига хос вазифани бажаришда пайдо бўлади.

Информатика фанидан ташкил этилган тўгаракларда: талабаларда дастур ва дастурлаш тиллари ҳақидаги билим ва қўнималарни шакллантириш, дастур ва дастурлаш тилларини ўргатиш орқали ўз касбига бўлган қизиқишини орттириш, дастурлаш тиллари ҳақидаги билим ва тассавурларини кенгайтириш имкониятларини яратиш лозимдир. Талабаларда “Робототехника” ва “Конструкторлик” соҳаларига бўлган қизиқишларни ривожлантириш мумкин бўлади. Кўргазмалар учун намойиш моделларини тайёрлаш ва уларни намойиш этиш ҳар бир талабада ўзгача завқ ва ўз ишидан аълоҳида қониқишилди.

Кўргазмали моделлар ва макетлар тайёрлашда талабалар ўзлари бажарадиган ишларнинг сифатини ўзлари назорат қилишлари ва баҳолашлари мумкин, бу эса уларда раҳбарлик қўнималари ва фаoliyat натижаларини мустақил равишда баҳолаш кўнималарини ривожлантиради. Талабаларнинг тўгараклардаги ижодий фаoliyatларининг натижалари қўйидагилардан иборат:

1. Талабаларнинг кўпчилигига танлаган касбларига қизиқиши ортиб боради. Уларнинг илмий изланишлари асосан дастурлаш ва техник ижодкорлик билан шуғулланадиган талабалар орасида юқори бўлади.

2. Техник ижод билан шуғулланувчи битирувчиларнинг профессионал тоифаси юқори бўлади.

3. Техник ижод билан шуғулланувчи талабаларнинг ўқишига бўлган истаги юқори бўлади, таълимга ижобий муносабатда бўлишади.

4. Талабалар китоблар ва маълумотлар билан ишлашни ўрганадилар, уларда илмий –оммабоп адабиётларни ўқишга қизиқиш ортади.

5. Талабалар ўқиш жараёнида ўз курсдошларига нисбатан илгарилаб кетадилар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руҳхати:**

1. Makhmudova, D. M., Tadjibaev, B. R., Kholboevna, G., Yuldasheva, G. T. (2020). Information and communication technologies for developing creative competence in the process of open teaching physics and maths. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(09).
2. Юлдашева, Г. Т. (2021). Методологические основы использования медиа технологий в повышении эффективности обучения. Экономика и социум, 5-2, 1129-1133.
3. Юлдашева, Г. Т. (2021). Тенденции развития навыков интерактивных онлайн-курсов в дистанционных условиях современного общества. Экономика и социум, 5-2, 1134-1141.
4. Tileuovna, G. Y. (2020). Organization of creative activity of students based on innovative technologies. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (5), 140-144.
5. Нуралиев, У. А. (2021). Искусственный интеллект в образовании. Academic Research in Educational Sciences, 2(11).
6. Нуралиев, У. А. (2021). Информатика ва ахборот технологилари фанини ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш тамоиллари. Экономика и социум, 11.
7. Ахмеджонов Дилмурод Гуломович, Нодиржон Носиржонович Гадаев (2020). Development of irrigation water saving technology using an interpolymer complex screen. Наука и Мир, 6(82), 44-47.
8. Ахмеджонов Дилмурод Гуломович, Нодиржон Носиржонович Гадаев (2020). IOP Conf. Series: Journal of Physics: Conf. Series 1425.
9. Мухамедов, Г. И., Ахмеджонов, Д. Г., Гадаев, Н. Н. (2019). Оросительный лоток из интерполимерных композиционных материалов. Водоочистка. Водоподготовка. Водоснабжение. 5, 66-68.